



Ингушетияда озик-овкат махсулотларининг шариат конун-қоидаларига тўғри келиб-келмаслигини текшириб борадиган ҳамкорликдаги ташкилот пайдо бўлди.

Халол стандартлаш маркази ишбилармонларнинг таклифи бўйича тайёрловчи корхоналар билан маслахатлашади, ҳамда мабодо эътироз бўлмаса, мазкур сертификат (рухсатнома) берилади.

Якин орада ташкилот

Роспотребнадзор (Россия истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назорати) билан ҳамкорликда махсус кузатувга чиқиб, диний (“халол” сингари) атамаларни суистеъмол қилаётган корхоналарга маълум миқдорда жарима солишни режалаштирмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Lifenews’нинг ёзишича: Республика микёсида мусулмонлар учун рухсат (яъни, халол) эканлигига гувоҳлик берувчи сертификатлар бор-йўғи бир нечтагина, холос.

Аммо, Ингушетияда “халол” сўзи турли номлар ва рекламаларда кенг турда қўлланилмоқда. Эндиликда “Ислом”, “Халол” каби олд қўшимчаларни нафақат гўшт

дўконлари ёзувида, шу билан бирга дорихона ва атир-упа дўконларида ҳам учратиш мумкин.

“Хозирда Халол бренди – ишлаб чиқарувчилар орасида жадал турда ривожланиб бормокда: хох у қахвахона бўлсин, хох тамаддихона, хох дўкон”, - деди Халол стандартлаш маркази бошлиги Магомед Хаштыров.

“Кимдир, қандайдир халққа хизмат кўрсатиш марказини очса, иложи борича ёзувида “Халол” деган ёзувни илова қилишни истайди. Сабаби, бу ҳолат харидор ва истеъмолчиларнинг янада кўпроқ ташриф буюришларига ҳисса қўшиши табиий.

Лекин, бундай ёзувларни шунчаки осиб қўядиган кимсалар ҳам учрайдики, ушбу “Халол” сўзи билан айнан нималар назарда тутилганлигини улар тушуниб ҳам етмайдилар”.

Энг ожиз банди тайёрлади